



Талабалар жамоаси ва шахс.





Таълим ва уни ислоҳ
этишга сарфланган
маблағ зое кетмайди,
аксинча, жамиятимизни
муваффақиятли ва
изчил ислоҳ этиш учун
қудратли, таъсирчан
омил бўлади,
пировардида “портлаш
эффекти”ни беради.

И. А. Каримов

Режа:

- 1. Ўкув фаолиятида талабалар психологияси
- 2. Талабаларнинг билиш фаолиятининг роли
- 3. Талабаларда билишга бўлган қизиқиши шакллантириш шартлари

Олий ўқув юртидаги таълимнинг
ўзига хос хусусисиятлари
талабаларнинг бошқа ижтимоий
гуруҳлар билан (улар хоҳ расмий,
хоҳ норасмий бўлишидан қатъий
назар) муроқотга киришиши учун
муҳим имконият яратади.

Талабалик даврининг асосий
хусусиятларидан бири ижтимоий
етукликнинг жадал суръат билан
рӯёбга чиқишидир.



Талабалик даври
ўспириинликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, 17-22-25 ёшни ўз ичига олади ва қатор бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари билан характерланади.

Мазкур паллада ўспирилик ўзига хос руҳий инқироз ёки тангликни бошидан кечиради, жумладан, катталарнинг ҳар хил кўринишдаги (унга ёкиш ёқмаслигидан қатъий назар) ролларини тез суръатлар билан бажариб кўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўнига бошлайди. Катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахснинг камол топиш хусусиятларига боғлик ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Таълим — ўқитиш, билим беришдир. Бу инсонни илмий билимлар, инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, қобилиятларни ўстириш, тафаккур ва дунёқарашибни, ақлий имкониятларни ривожлантириш жараёнидир. Таълим махсус тайёргарлик қўрган, педагогик фаолият билан шуғулланиш хукуқига эга бўлган шахслар раҳбарлигидага амалга ошириладиган жараёндир. Тарбия бериш вақти, жойи чегараланмаган бўлса, таълимники чегараланганд; масалан муайян бир вақтда, маълум бир жойда (аудитория, синф хонаси, маъруза зали, лаборатория) амалга оширилади.



Галаба 17—19 ёшда ҳам ўз ҳулки ва билиш қобилиятини онгли бошқариш имкониятига эга бўлмайди ва шунга кўра ҳулқ мотивларининг асосланмагани, узоқни кўра олмаслик, эҳтиётсизлик каби ҳоллар рўй беради.

В.Т.Лисовскийнинг фикрича, 19—20 ёшларда айрим салбий ҳатти-ҳаракатлар кўзга ташланади. Мазкур ёшда хоҳиш ва интилишнинг ривожланиши ирода ва характердан анча илгарилаб кетади. Бунда одамнинг ҳаётий тажрибаси алоҳида роль ўйнайди, чунки талаба шу тажриба етишмаслиги натижасида назария билан амалиётни, фантазия билан реалликни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан хоҳишни, оптимизм билан қатъийликни аралаштириб юборади.

Талабалик йилларида ёшларнинг
ҳаёти ва фаолиятида ўзини ўзи
камолотга етказиш жараёни мухим
роль ўйнайди, лекин ўзини
бошқаришнинг таркибий қисмлари
(ўзини-ўзи таҳлил қилиш, назорат
этиш, баҳолаш, текшириш ва
бошқалар) ҳам алоҳида аҳамият
касб этади.

Талабалар тафаккури, асосан, ўқиши, амалий маңғулот ва мустақил билим олиши фаолиятларида жадал ва узлуксиз равишда ривожланади. Гоҳо маъруза жараёни улардан репродуктив (ўзлаштирилган билимларга асосланувчи) тафаккурни такозо этса ҳам, лекин семинар машғулотлари, мустақил топшириқлар, лаборатория практикуми продуктив (ижодий) фикр юритиш фаолиятини талаб қиласади. Ҳар иккала таълим шакли ҳам талабалар ақлий меҳнати, мақсадга йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган дикқати ёрдами билан амалга ошади.

Олий мактабдаги мустақил ишларнинг
барчаси конспект тузиш, реферат,
аннотация, тезис, семинарга
ҳозирлик, курс ва диплом ишлари
талабадан мустақилликни, ижодий
ёндашишни, (креативликни)
муаммоли ҳолатни, мураккаб
педагогик вазиятни ҳал қилишни
тақозо қиласди.

Олий мактабда мутахассислар тайёрлаш жараёнини факат муайян фанлар бўйича билим, малака ва кўникма олиш билан чегаралаб бўлмайди. Шу туфайли ҳозирги шароитда ўқув жараёнини сифат жиҳатдан жиддий қайта куриш лозим бўлади. Шу муносабат билан олий мактабда талабаларнинг **билиш фаолиятини жонлантириш** муаммоси алоҳида аҳамият касб



Замон талабига мос мутахассис тайёрламовчи эканмиз,
биринчи навбатда ўкув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби,
моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт.

И. А. Каримов



Таълим воситалари – ўқитиши
усулини муваффакиятли
амалга ошириш учун зарур
бўлган ёрдамчи ўкув
материаллари асбоб-ускуна,
экспонат, схема, таблица,
стенд, суратлар, диаграмма,
слайд, микроскоп, муляж,
компьютер, видео-аудио
методлар, кодоскоп ва
бошкалар.



Ұқув дастури хүжжатлар ислоҳ қилинган таълим, давлат томонидан тасдиқланған режа асосида бакалавр, магистр, лицей, гимназия, коллежларга алоҳида-алоҳида тузилади.



Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи Эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, хаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз.

И. А.

Каримов

Талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш учун уларда қуидагиларни шакллантириш зарур:

- билишга тайёрлик;
- билиш фаолиятининг малака ва кўникмалари;
- билиш фаолиятига эҳтиёж.

Билиш фаолиятиниң фаол күзғатувчилари қуидагилардир:

- конкрет фаолиятга бевосита, фаол қизиқиш;
- ахлоқий — эстетик ва рұхий қониқиш (мотивлари).

Ю.В. Шаров билиш эҳтиёжлари ривожланишининг бир неча босқичларини ишлаб чиқкан:

- Элементар илмий-тадқиқот фаолияти йўналиши босқичи ва ташқи таассуротларга эҳтиёжни шакллантириш;
- ўраб олган оламни билишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш босқичи;
- билиш усулинини эгаллаш фаолияти сифатида машқ қилиш эҳтиёжини шакллантириш босқичи;
- билиш эҳтиёжларини танлашга йўналганлигини шакллантириш босқичи;
- мустақил таҳсилга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш босқичи.

Билиш фаолиятини жонлантириш
факат билимларни ўзлаштириш
жараёнини яхшилашгагина эмас,
балки шахснинг энг муҳим сифати
бўлган фаоллик ва
мустакилликнинг шаклланишига
ҳам йўналтирилган бўлиши зарур.

Талабалар олий ўқув юртида ўқиб турган вактида билим, малака ва кўникумларни эгаллашда барча турдаги ўқув жараёнига жалб қилинадилар. Бу даврда улар шахсининг асосий қиёфалари шакланади. Фаолиятининг бу шакларида уларниң эҳтиёжлари, қизиқишлиари, майилликлари, ҳиссиётлари, мотивлари, шунингдек, умумий ва хусусий қобилияtlари пайдо бўлади ва ривожланади.

- Билиш фаолиятини жонлантиришда қизиқиши алоҳида аҳамиятга эга.
- Ўрганишга бўлган қизиқишини олимлар ижобий, ҳиссий бўёқка эга бўлган, билим, малака ва кўникмаларга бўлган алоҳида муносабат деб баҳолайдилар.

- **Билишга бўлган қизиқиши** — ўқитишдаги ўзига хос қизиқиши туридир.
- Г.И. Шукин **билишга бўлган қизиқишини**, инсоннинг предмет ва атроф-муҳит ҳодисаларига бўлган мураккаб муносабати ва уларнинг муҳим хусусиятларини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш ва билиши, деб қарайди.

Билимга бўлган қизиқишнинг белгилари қўйидагилардир:

- интеллектуал характерда бўлиши;
- ижодий характерда бўлиши.

Билимга бўлган қизиқишнинг ривожланиш босқичлари:

- қизиқсаниш — мўлжалнинг елементар даражаси — "мўлжалланган қизиқиш";
- қизиқувчанлик — билишга бўлган эҳтирос, қувонч билан обект чегарасига кириб бориш;
- билишга бўлган қизиқиш - ҳодисаларнинг моҳиятига кириб боришга интилиш, ҳақиқатни қидириш.
- назарий қизиқиш — воқеликка фаол та ъсир етиш орқали назарий асослар, қонуниятларни билишга интилиш;

Қизиқишининг пайдо бўлиши ва ривожланишини шартли равишда қуидагича сатҳларга ажратиш мумкин:

- янги фактларга, машғулотларда олинадиган ахборотларда гавдаланадиган машғулотларга бевосита қизиқиши ҳамда ҳар хил шароитларда ҳаракат қилувчи нарса ва ҳодисаларниң муҳим хусусиятларини билишга қизиқиши;
- ўрганишга бўлган барқарор қизиқиши. У талабаларга таълим беришда муҳим характерга ега ва унда билишга бўлган қизиқиши ташқи омилларга муҳтож ҳамда у реал ўқув жараёни шарт-шароити ва усуллари билан боғлик бўлади.

Билишга бўлган барқарор қизиқишига қуйидагилар киради:

- интеллектуал **фаоллик** (кўрсаткичлари - савол ва жавоб мустақиллиги, жонли фаолиятга ўз ташаббуси билан киришишга интилиш);
- **малака ва кўникмалардан фаол фойдаланиш, уларнинг фаол акс таъсири** (янги билимларни эгаллаш методларига айланади, аксинча, билишга бўлган қизиқиш ўзининг энг юқори ривожланиш даражасига кўтарилади);
- **ҳиссиётни намойиш қилиш** (нафрат, қувонч, безовта бўлиш, интеллектуал ҳолатдаги ҳиссиёт);
- **иродани намойиш қилиш** - жиддий диққат қилиш, кучсиз чалғиши, ўқув ишларини тугаллашга интилиш;
- **ўз ҳатти-ҳаракатларини эркин танлаш** - ўқув машғулотларидан бошқа вақтларда у ёки бу машғулотларни эркин танлай олиш.

Талабаларнинг билишга бўлган қизиқиши шакланишининг муҳим шартларидан бири ҳиссий вазият, билишга бўлган эҳтиёж ва онгли фикрлашни ривожлантиришни яратиш бўлиши ҳам мумкин.

Талабаларнинг билиш фаолияти тузилмасига **фаоллик** киради, яъни бу шундай иш фаолиятики, унда билиш фаолиятини жонлантирадиган интеллектуал, иродавий, ҳиссий жараёнлар биргаликда намоён бўлади

Жонли билиш фаолияти учун,
билимга бўлган ҳар томонлама,
чукур қизиқиш, муайян куч
сарф қилиниши, дикқат,
белгиланган мақсадга эришиш
учун зарур бўлган ақлий ва
жисмоний кучлар қаратилган
бўлиши лозим.

Талабаларнинг жонли билиш фаолияти учун қуидагилар хосдир.

- билимга ва ўкув максадларига бўлган чукур, ҳар томонлама қизикиш;
- ақлий, жисмоний ва интеллектуал кучларни фаол намоён қилиш;
- диққат, хотира, иродава бошқа руҳий сифатларни тўплаш.

Билиш фаоллиги жараёнида қуидаги 4 сатх
ажратилади:

- репродуктив фаоллик.
- аппликатив фаоллик - унга қизғин танлов-яратиш фаолиятига тайёрлик характерлидир;
- изоҳлашдаги фаоллик - маъно-мазмунни қизғин изоҳлаш, тушунтириш ва очиб беришга тайёр;
- продуктив (самарали) фаоллик - унга янгиликни қизғин ижод килишга тайёрлик характерлидир

Билиш фаоллиги ривожланиши бир неча босқичларни ўз ичига олади:

- мустақил хатти-ҳаракатларга интилишда намоён бўладиган амалий фаолиятдаги фаоллик;
- ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳияти ва тамойилларини қоғозга киритишдаги интилиш;
- ижодий фаоллик олий босқич бўлиб, у сабаб-оқибат боғланишидан, ижодий фикрларнинг ҳаққонийлигига, унинг ҳаётий ва билиш қимматига ишонч ҳосил килишдан таркиб топади.

Билиш мустақиллиги қуидаги белгиларга әга:

- мустақил фикрлай олиш ва унга интилиш;
- янги вазиятларда мүлжални ола билишга ёки янги вазифаларни ечишга үз ёндашувини топа билиш қобилияти;
- үзлаштирилаётган билимларни нафакат тушунишни исташ, балки уни қўлга киритиш усулларини топиш;
- бошқа ишларни баҳолашда танқидий ёндашув;
- үз ҳукмларининг эркинлиги.

Психология ва педагогикага оид адабиётларда
билиш фаолиятининг қуидаги типлари
фарқланади:

- персептив;
- репродуктив;
- продуктив.

Персептив билиш фаолияти - бу фаолиятнинг шундай намунасики, унда предмет, воқеа, ҳодиса ва улар ҳақидаги айрим маълумотлар белгилари ва мазмуни оғзаки ва ёзма нутқ воситасида акс эттилади.

Персептив фаолият сезгидан бошланади ва тасаввурларни ифодалаш билан якунланади,

Репродуктив билиш фаолияти — бу фаолият билимларни амалий ва ижодий фаолиятда пировард натижада қайта ишлаб чиқиш билан боғлангандир. Билиш фаолиятининг бу намунаси билимларни ўзлаштириш, уларни ижодий ишда қўллаш ва ўқув фаолиятининг турли усулларини эгаллашни қамраб олади.

Продуктив билиш фаолияти - у фаолиятнинг шундай намунасики, унда турли тоифадаги ижодий вазифалар ҳал қилинишга қаратилган. Продуктив билиш фаолиятининг турларидан бири - эвристик фаолиятдир. Эвристик фаолият талабаларнинг мустакил ишлари билан бирга амалга оширилади.

Талабаларда персептив, репродуктив ва
продуктив билиш малака, кўникма ва
қобилиятларини шакллантириш ва
ривожлантириш учун ўқув жараёнида
уларнинг ҳар бирига хос бўлган
фаолиятнинг шакл ва мазмунини ташкил
этиш, уларни ўзаро боғлаш, уларнинг
галма-галлигини таъминлаш ва улардан
яхлитлик ҳолида фойдаланиш зарур.

Илмий тадқиқот ишларида
талабалар фаоллиги деганда
моддий ва маънавий ишлаб
чиқаришда ижтимоий ҳаётга ва
мутахассисликка оид ролларни
муайян қоида ва маҳсус дастур
асосида бажаришга
тайёрланаётган ижтимоий
гурӯҳ тушинилади.

Фонд атанинан адабиётлар:

1. И. А. Каримов “Баркамол авлод орзуси” Тошкент-2000
2. И. А. Каримов “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётиининг пойдевори” Тошкент-1997
3. Н. Р. Ғайбуллаев, Р. Ёдгоров, Р. Маматқурова “Педагогика” Университет-2005
4. М. Асқарова, М. Хайитбоев “Педагогика” Тошкент-2008
5. Х. Ибрагимов Ш.Абдуллаева “Педагогика назарияси” Тошкент-2008
6. Р. Мавлонова О. Тўраева К. Ҳолиқбердиев “Педагогика” Тошкент-2001
7. Б. Зиёмуҳаммадов Педагогика” ” Тошкент-2006